

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани
Давлат хизматлари Маркази
томонидан
2023 йил “10” март

ТАСДИҚЛАНГАН

“Ўзтрансгаз” АЖ
2023 йил 21 февралдаги
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши қарори билан



Акциядорларининг
2023 йил 21 февралдаги навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
02-23-сон баённомасига
1-Илова

**«ЎЗТРАНСГАЗ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
УСТАВИ
(янги тахрир)**

УСТАВ МАЗМУНИ:

1. Умумий қоидалар	3
2. Жамиятнинг юридик мақоми, жойлашган жойи, почта манзили	3-5
3. Жамият фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари	5
4. Жамият устав фондининг миқдори, уни қўпайтириш ва камайтириш тартиби	5-7
5. Жамият акцияларининг турлари, номинал қиймати, уларни жойлаштириш тартиби ва шартлари	7-9
6. Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	10-12
7. Жамият фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби	12-13
8. Жамиятнинг хайрия ишлари ва бошқа бегараз ёрдам фондларини ташкил этиш тартиби ва уларни амалга ошириш	14
9. Жамиятнинг бошқарув органлари	14
10. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши	14-18
11. Жамият Кузатув кенгаши	18-23
12. Жамият Ижроия органи	23-27
13. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш	27-28
14. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш	28-30
15. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш	30

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Бундан кейинги ўринларда «Жамият» деб аталувчи «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги ПФ-2154-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 декабрдаги 523-сонли қарори, Давлат мулки қўмитасининг 1999 йил 06 январдаги 04к-ПО-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4388-сонли қарорлари асосида ташкил этилган.

1.2. Жамият Яккасарой тумани Ҳокимининг 1999 йил 11 июндаги 808-сонли қарори билан рўйхатга олинган, 2001 йил 28 сентябрдаги 1223-сонли ва 2003 йил 12 майдаги 729-сонли қарорлари билан қайта рўйхатга олинган.

1.3. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи (лотин алифбосида):

«O‘ztransgaz» aksiyadorlik jamiyati;

Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи (кирилл алифбосида):

«Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган номи (лотин алифбосида):

«O‘ztransgaz» AJ;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган номи (кирилл алифбосида):

«Ўзтрансгаз» АЖ;

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ расмий номи:

Акционерное общество «Узтрансгаз»;

Рус тилидаги қисқартирилган номи:

АО «Узтрансгаз».

2. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ.

2.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлоқ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин) эга. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.3. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Устав талабларига амал қилади.

2.4. Жамият «Ўзтрансгаз» Акциядорлик жамияти тузган шартнома ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

2.5. Жамият акциядорнинг ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига кўра уч иш куни ичида уларга жамиятнинг устави, шу жумладан, уставга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Жамият акциядорнинг талабига кўра унга жамият уставининг кўчирма нусхасини бериши шарт.

2.6. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.7. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар Жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

2.8. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.9. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.11. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларига ёхуд қонун билан таъқиқланмаган бошқа мулкчилик шаклидаги юридик шахсга эга бўлиши мумкин.

2.12. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.13. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шўъба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шўъба корхоналар, филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очилиши, ушбу шўъба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2.14. Жамият филиал ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлайди.

2.15. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамиятнинг Кузатув кенгаши тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради. Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари Жамият томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

2.16. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий фаолиятни амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.

2.17. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

2.18. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.19. Жамият, тижорат операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

2.20. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга тузилган.

2.21. Жамиятнинг почта манзили ва жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 85-А уй.

2.22. Жамиятнинг электрон почта ва веб-сайти манзили: info@utg.uz
www.utg.uz

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Жамият ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Жамият фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир.

3.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ихтисослашган ягона магистрал газ узатиш тизими оператори сифатида табиий газни ташиш, сақлаш ва транзит қилиш;

Жамият қонунчилик билан таъқиқланмаган ва ушбу Уставда кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

3.3. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда шундай лицензия олинганидан кейин амалга оширилади.

4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

4.2. Жамиятнинг устав фонди жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

4.3. Жамият устав фондининг миқдори 484 532 533 000 (тўрт юз саксон тўрт миллиард беш юз ўттиз икки миллион беш юз ўттиз уч минг) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 481 387 410 (тўрт юз саксон бир миллион уч юз саксон етти минг тўрт юз ўн) дона эгасининг номи ёзилган оддий жойлаштирилган акциялар ҳамда 3 145 123 (уч миллион бир юз қирқ беш минг бир юз йигирма уч) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат.

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

4.4. Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.5. Қўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

4.6. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.7. Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

4.8. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

4.9. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

4.10. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

4.11. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

4.12. Жамият устав фондини кўпайтириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқаришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг миқдори, номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмлик 3 000 000 000 (уч миллиард) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 16 500 000 (ўн олти миллион беш юз минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

4.13. Қўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар устав фондидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи назарда тутилади.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

4.14. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисmini кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.15. Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисmini олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

4.16. Жамият устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият уставига тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

4.17. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.18. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

4.19. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Жамият устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

4.20. Акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорда сотиб олинadиган акцияларнинг турлари, Жамият сотиб оладиган ҳар бир турдаги акциянинг сони, сотиб олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати белгилаб қўйилиши лозим.

4.21. Жамият акцияларини сотиб олиш вақтида уларга пул маблағлари билан ҳақ тўланади.

4.22. Жамият томонидан оддий ва имтиёзли акцияларни сотиб олиш нархи бозор баҳосига мувофиқ белгиланади.

4.23. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

4.24. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб Жамият кечи билан 30 кун ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан кечи билан 30 кун ичида Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва Устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

5. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Жамиятнинг акциялари- эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли акцияларга бўлинади.

5.2. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

5.3. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

5.4. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

5.5. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси - акциядор деб эътироф этилади.

5.6. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

5.7. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек Жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига Жамият фойда қўриш-қўрмаслигидан қатъи назар муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

5.8. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

5.9. Жамият барча турдаги акцияларининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.

5.10. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

5.11. Жамият томонидан қўшимча акцияларни ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати, уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.12. Акцияларнинг очик обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

5.13. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархи, Жамият Кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5.14. Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

5.15. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилаётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.16. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш шакли ва тартиби, Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.17. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.18. Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олингунга қадар акция овоз ҳуқуқини бермайди.

5.19. Акциядорлар умумӣ йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Жамиятнинг икки ёки ундан ортик акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга

айирбошланади. Бунда Жамият уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

5.20. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда Жамият уставига Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

5.21. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

5.22. Акцияларни жойлаштириш қуйидаги усулларда амалга оширилиши мумкин:

а) Жамият ва оловчи ўртасида тегишли шартномаси тузилганда обуна қилиш. Бунда, акциядорлар ўзининг ҳисобланган, лекин олинмаган дивидендларини Жамиятнинг қўшимча чиқарилган акцияларини олишда фойдаланишига ҳақлидир;

б) Жамиятнинг устав фонди ўз капиталини капиталлаштириш ҳисобидан тўланадиган қўшимча акциялар чиқарилиши орқали оширилганда акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимлаш. Бунда, акцияларни Жамиятнинг акциядорлари ўртасида жойлаштириш Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ўз фойдасини капиталлаштирилиш тўғрисидаги қарори асосида ҳеч қандай шартномалар тузилмаган ҳолда амалга оширилади. Акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимлаш акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда кўрсатилган кундаги реестр маълумотлари бўйича амалга оширилади;

в) биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорларда тегишли фуқаролик ҳуқуқий битимлар тузиш;

г) уларга айирбошлашда:

-қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставга мувофиқ аввал чиқарилган айирбошланаётган қимматли қоғозларни;

-паст номинал қийматига эга аввал чиқарилган акцияларни акцияларни йириклаштириш;

-юқори номинал қийматига эга аввал чиқарилган акцияларни (акциялар номинал қийматини камайтириш йўли билан акциялар майдаланганда ёки устав капитали камайтирилганда);

-қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг қимматли қоғозларини.

5.23. Акцияларни айирбошлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қимматли қоғозларни айирбошлаш орқали жойлаштирилганда бирор-бир шартнома тузилиши талаб этилмайди.

5.24. Жамият акциядорларининг сони чегараланмаган.

5.25. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

6. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамиятнинг оддий акциялари эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;

ўзига тааллуқли депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни бошқа шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Жамиятнинг имтиёзли акциялари эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамиятнинг акциядорлари реестрига кириш;

ўзига тааллуқли депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;

Жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан катъий назар, имтиёзли акциялар эгаларига ушбу Уставнинг 7.17.-бандида белгиланган миқдордаги дивидендларни биринчи навбатда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

Жамият тугатилган тақдирда, акцияларнинг тугатиш қийматини биринчи навбатда олиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

қимматли қоғозларни харид қилиш чоғида эҳтимолий зарарлар ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиши билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;

ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни бошқа шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;

акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш.

6.3. Жамият акциядорлари Жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш ҳуқуқига эга.

6.4. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

6.5. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

6.6. Оддий акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ушбу уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

6.7. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

6.8. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар, уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

6.9. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

- Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида;

- жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;

- жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузиш масаласи бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилганда;

- Жамиятнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Жамият акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисида хабардор этиши шарт.

6.10. Акциядорлар мазкур Уставнинг 6.9.-бандида кўзда тутилгандан ташқари ҳолларда, Жамиятдан унга тегишли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилишга ҳақли эмас.

6.11. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўрсатилган тартиб, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;

- мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсунуш.

Жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

6.12. Жамият миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслигини назарда тутати.

6.13. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

7. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан сўнг, Жамият фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

7.2. Дивидендлар Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

7.3. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

7.4. Жамият акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

7.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.7. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.8. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар (оралиқ дивидендлар) тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек Жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.10. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.11. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Акциядорлик жамияти тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

7.12. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда, Жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамият томонидан Жамиятнинг ана шу мақсад учун ташкил этилган заҳира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

7.13. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

7.14. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.15. Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

- Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва заҳира фонди суммасидан кам бўлса.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.16. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

7.17. Жамият имтиёзли акциялари бўйича ушбу акциялар номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида дивидендлар тўланади.

7.18. Дивидендларни тўлаш тартиби ва меъёрлари ушбу Устав, Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши тегишли қарори ва (ёки) Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Дивиденд сиёсати» билан белгиланади.

7.19. Жамиятнинг зарарлари қонунчиликда белгиланган тартибда заҳира фонди маблағлари ҳисобига қопланади.

8. ЖАМИЯТНИНГ ХАЙРИЯ ИШЛАРИ ВА БОШҚА БЕҒАРАЗ ЁРДАМ ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

8.1. Жамият соф фойдаси ҳисобидан:

Заҳира Фонди;

Уй-жой қуриш ва сотиб олиш фонди;

Жамият Кузатув кенгаши томонидан аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни тузиши мумкин.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг заҳира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.3. Заҳира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.4. Жамият Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорда Жамият заҳира фонди тузилади.

8.5. Жамият заҳира Фондига ушбу Уставнинг 8.4.-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказлади.

8.6. Заҳира Фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларда, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.7. Уй-жой қуриш ва сотиб олиш фондини шакллантириш ва ундан фойдаланилиш акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ўзтрансгаз» АЖ соф фойдаси ҳисобига қурилаётган ёки сотиб олинаётган уй-жой фондини қуриш, сотиб олиш ва тақсимлашда маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

8.8. Хайрия ишлари ва бошқа беғараз ёрдамларга Жамиятнинг ҳар йилги харажатлари ўтган йилнинг соф фойдасининг 3 фоизидан ошмаслиги лозим ҳамда бу харажатлар бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади (бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно).

9. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

9.1. Жамиятнинг бошқариш органлари қуйидагилардан иборат:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Кузатув кенгаши;

Ижроия органи.

10. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

10.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

10.3. Жамият акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Қоида тарикасида, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили июнь ойининг иккинчи ярмида ўтказилади.

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамият Бошқарув Раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари қўриб чиқилади.

10.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

10.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйдагилар киради:

1) Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини қўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

2) Жамиятни қайта ташкил этиш;

3) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

7) Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

8) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

9) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Жамият ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;

10) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

11) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- 12) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- 13) Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссияси хулосаларини эшитиш;
- 14) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- 15) акциядорнинг Жамият акциялари ёки бошқа қимматли қоғозларини сотиб олишга доир имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 16) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- 17) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 18) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 19) ижроия органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;
- 20) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
- 21) ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдамларнинг максимал миқдорини белгилаш;
- 22) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 23) қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, Жамиятнинг ижроия органини тузиш, Бошқарув раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

10.10. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.11. Мазкур Уставнинг 10.7.-бандидаги 1), 2), 3), 5), 13), 17), 18) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.12. Ушбу Уставнинг 10.7.-бандидаги 20) қисмда кўрсатилган масала бўйича қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.

10.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

10.14. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

10.15. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари амалдаги қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

10.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

10.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин, Жамиятни қайта ташкил этиш масаласи кўрилган ҳолда йиғилиш ўтказилишидан 30 кун олдин Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.18. Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

10.19. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

10.20. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) 1 майдан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига фойдани тақсимлаш каби масалалар киритишга ҳамда Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

10.21. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг ёзма талаби асосида ўтказилади.

10.22. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини талаб қилаётган акциядорларга тегишли овоз берувчи акциялар улуши бундай талабни кўрсатиш санасида аниқланади.

10.23. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

10.24. Агар Жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки

уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

10.25. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

10.26. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.27. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

10.28. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги конунчилик билан тартибга солинади ва Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

11. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги конунчилик ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, конунчиликда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно;

3) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

4) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

5) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

6) Ушбу Уставнинг 10.7.-бандидаги 20) қисмда кўрсатилган масалани ҳал этишни акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;

7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек тегишли ҳужжатларни (акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини) тасдиқлаш;

9) аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

10) энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

Қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади ҳамда ҳар бир Қўмитанинг ўз низомлари тасдиқланади.

Жамият Кузатув кенгаши таркибида Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилади.

11) акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

12) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

13) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

14) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

15) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

16) Жамият бошқаруви аъзоларини (раисдан ташқари) лавозимга тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

17) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

18) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

19) Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

20) Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

21) Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

22) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

23) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин);

24) Жамиятнинг заҳира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

25) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

26) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш ва тугатиш;

27) Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

28) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

29) ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

30) ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши, мазкур уставда ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда бериш;

31) Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни текширувини ўтказиш тўғрисида;

32) ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

33) Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

11.3. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу Устав ва Акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган «Кузатув Кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширади.

11.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.5. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланадилар.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби 9 (тўққиз) кишидан иборат.

Жамият Кузатув кенгаши таркибига учдан икки қисмидан кам бўлмаган мустақил аъзо киритилади, унга бўлган талаблар Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом»да белгиланади. Акциядорлар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда мустақил кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича таклифлар келиб тушгунга қадар, мустақил аъзолар сони тўғрисидаги талабга амал қилинмаслигига йўл қўйилади.

11.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

11.7. Жамият бошқаруви аъзолари ва бошқарув Раиси Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас.

11.8. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

11.9. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган Жамият «Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом»да белгилаб қўйилади.

11.10. Жамият Кузатув кенгашида давлатнинг ишончли вакилининг фаолияти амалдаги қонунчиликка асосан амалга оширилади.

11.11. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

11.12. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

11.13. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

11.14. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

11.15. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

11.16. Жамият Кузатув кенгаши Раиси мажлисга келмаган ҳолларда, унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.

11.17. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, шунингдек талабига кўра қуйидаги ҳолларда чақирилади:

- Кузатув кенгаш аъзоларининг;
- Тафтиш комиссиясининг;
- Жамият ижроия органи аъзосининг;
- Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор)нинг;

- ички аудит хизмати бошлигининг;

- Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларининг (кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳукуқи тақдим этилади);

- қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

11.18. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун қворум, Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фоизини ташкил қилади.

11.19. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Мазкур Уставнинг 4.6.-банди ва 11.2-бандининг 8), 13), 23), 25) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан (яқдиллик билан) қабул қилинади.

11.20. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Ушбу Уставнинг 11.5.-бандида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.21. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришга ҳақли эмас.

11.22. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

11.23. Жамият Кузатув кенгаши қарорлари билан Жамият акциядорлари таништирилиши мумкин. Жамият акциядорлари Жамиятнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

11.24. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Бунда ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилишига йўл қўйилмайди.

11.25. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

11.26. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.27. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган кун Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказилдиган кун топширилади.

11.28. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган «Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом»да белгилаб қўйилади.

11.29. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

11.30. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.31. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

12. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик ижроия органи – Жамият Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув фаолиятига Жамият Бошқарув Раиси раҳбарлик қилади.

12.2. Жамият Бошқаруви 7 (етти) кишидан иборат бўлиб, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари ва Жамият кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

12.3. Жамият Бошқаруви таркибига Бошқарув раиси, икки нафар биринчи ўринбосар, икки нафар ўринбосар, бир нафар директор ҳамда хорижий консультант кирадилар.

12.4. Жамият Бошқаруви коллегиял ижроия орган асосидаги ижро этувчи орган ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

12.5. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгашига ҳисобот беради.

12.6. Жамият Бошқарув раиси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 79-моддасига мувофиқ тайинланади.

12.7. Жамият Бошқарув аъзолари Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан қонунчиликда ва мазкур Уставда белгиланган тартибда уч йиллик муддатга сайланадилар (тайинланадилар), уларнинг ваколатлари амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Жамият Бошқарув раиси сифатида тайинланган (сайланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас..

12.8. Жамият Бошқарув раиси билан ёллаш шартномасини Жамият номидан Жамият кузатув кенгаши раиси имзолайди. Бошқарув аъзолари билан ёллаш шартномаларини Жамият номидан Жамият кузатув кенгаши раиси ёки Жамият кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

12.9. Жамият ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини тузадилар.

12.10. Жамият Бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.11. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкиллаштиради.

12.12. Жамият Бошқаруви ушбу Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

12.13. Жамият Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда ўтказилади.

12.14. Жамият Бошқаруви, мажлис кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 50 фоизидан ортиқ қисми катнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

12.15. Жамият Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда катнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Жамият Бошқаруви Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади. Мазкур уставнинг 12.18.-бандининг м) қисмида кўрсатилган масала бўйича қарор мажлисда иштирок этаётган Жамият Бошқаруви аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

12.16. Жамият Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Бошқарув аъзолари ўз фикрларини Жамият кузатув кенгашига билдиришлари мумкин.

12.17. Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Баённома мажлисда иштирок этаётган Жамият Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Бошқарув мажлисининг баённомаси кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига, шунингдек аудиторга уларнинг талабига кўра берилади.

12.18. Жамият Бошқарувининг мажбуриятлари ва ваколатларига қуйидагилар киради:

а) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол–мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;

б) Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

в) Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

г) Тўрт нафардан кам бўлмаган Бошқарув аъзоларининг розилиги бўлган ҳолларда кучга кирадиган Жамият ва унинг шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

д) Жамият филиаллари ва ваколатхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

е) Жамият иштирокчи ёки улушдор бўлган корхоналар таъсис хужжатларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилиш, шунингдек уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

ж) Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

з) Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

и) Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

к) қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

л) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни Жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;

м) ўз ваколати доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Жамият Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият бошқаруви қарорига мувофиқ кузатув кенгаши ҳуқмига ҳавола этилиши мумкин);

н) Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати белгилаш;

о) ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Жамият кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

п) Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида ва кузатув кенгаши мажлисларида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

р) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

с) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички хужжатларига риоя қилиш;

т) Жамият Бошқаруви қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.19. Жамият Бошқарув раисининг мажбуриятлари ва ваколатларига қуйидагилар киради:

Ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

Жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

Жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

Штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш;

Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

Жамият филиаллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлаш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

Банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш.

Ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолаш ва битимлар тузиш;

Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо ва рағбатлантириш чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномалар бериш;

Жамият ва унинг шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш, топшириқ ва кўрсатмалар бериш.

Жамият Бошқаруви раиси, қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.20. Жамият Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

12.21. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.22. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайдилар.

12.23. Бошқарув Раисини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) ҳақидаги қарор қонунчиликда белгиланган тартибда Жамият кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

12.24. Бошқарув аъзоларини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) ҳақидаги қарор Жамият кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

12.25. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари қўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсаткичларини бажарилиши бузилган ҳолларда ва уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган

зарарлари сабабли улар билан тузилган меҳнат шартномалари қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

12.26. Жамият Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда уларнинг вазифасини вақтинча бажаришни Жамият кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ тайинланган шахс олиб бориши мумкин.

12.27. Акциядорларнинг вакили сифатида ҳаракат қилаётган ижро органи аъзолари ижро органи аъзоларини сайлаш масалалари бўйича овоз беришга ҳақли эмас.

13. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

13.1. Тафтиш комиссияси Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши 3 (уч) кишидан иборат тафтиш комиссиясини 1 йил муддатга сайлайди.

13.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айтиб ўтиш керакки, бир шахс тафтиш комиссияси аъзолигига кетма-кет 3 мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

13.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколати доирасига қуйидагилар киради:

-қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият кузатув кенгашининг мажлисларини ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

-Жамиятнинг молия – хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича, ўзининг, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёхуд Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра текшириш;

-Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш.

Тафтиш комиссияси, қонунчилик, ушбу Устав ва «Тафтиш комиссияси тўғрисида» ги Низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.4. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

13.5. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

13.6. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айтиб ўтиш керакки, Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

13.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра

Жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

13.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

-Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

-бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

13.9. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Уставнинг 13.8.-бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

13.10. Тафтиш комиссияси Жамият манфаатлари хавф остида қолиш ҳолларида ёки мансабдор шахслар томонидан суистеъмол қилиш ҳоллари аниқланганда навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишини чақиришга ҳақли.

б) Ички аудит хизмати

13.11. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

13.12. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шунингдек Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

13.13. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти

13.14. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

13.15. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

14. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

14.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

14.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 – 52 моддалари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 92 – 97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

14.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

14.4. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- Ихтиёрий равишда, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;

- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан;

14.5. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53–56 моддалари, шунингдек «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонуннинг 98–101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

14.6. Жамиятни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Тугатувчини тайинлайди.

14.7. Жамият тугатилётганда давлат Жамиятнинг акциядори бўлган тақдирда, тугатиш комиссияси таркибига давлат мулкани тасарруф этишга ваколатли органнинг вакили киритилади.

14.8. Тугатувчи тайинланган вақтдан бошлаб унга Жамият ишларини бошқариш ваколатлари ўтади.

14.9. Тугатувчи:

- Жамиятнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат Жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

- кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни Жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади;

- Жамиятнинг мол-мулкани баҳолашни ташкил этади.

14.10. Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтга келиб Жамият кредиторлар олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, унинг мол-мулки қонунчиликка мувофиқ акциядорлар ўртасида тақсимланади.

14.11. Кредиторларнинг талаблар қўйиши учун белгиланган муддат тугатилганидан кейин тугатувчи оралик тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган Жамият мол-мулканинг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги

маълумотлар кўрсатилади. Оралиқ тугатиш баланси тугатилаётган Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

14.12. Агар Жамият тугатилаётганда мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи Жамиятнинг мол-мулкни суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда ким ошди савдосида сотишни амалга оширади.

14.13. Тугатилаётган Жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш Тугатувчи томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида мазкур баланс тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

14.14. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин Тугатувчи тугатиш балансини тузади. Бу баланс акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

14.15. Тугатувчи ушбу моддада назарда тутилган тартиб-таомиллар тугалланганидан кейин Жамият қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини бекор қилиш юзасидан зарур тадбирларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширади.

14.16. Жамият имтиёзли акцияларининг тугатиш қийматининг миқдори ушбу имтиёзли акцияларнинг номинал қийматига тенг.

14.17. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин Жамиятнинг қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

биринчи навбатда қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва ушбу Уставнинг 14.16.-бандида белгиланган имтиёзли акциялар бўйича тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади;

учинчи навбатда тугатилаётган Жамиятнинг мол-мулкни оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

14.18. Мол-мулкни ҳар бир навбат бўйича тақсимлаш аввалги навбат бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

14.19. Агар Жамиятдаги мавжуд мол-мулк ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва Жамият уставида белгиланган тугатиш қийматини имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган барча акциядорларга тўлаш учун етарли бўлмаса, мол-мулк имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

14.20. Мол-мулкни тугатиш қийматининг чет эллик инвестор бўлган акциядорга ўтказиладиган қисмини Жамият хорижий валютага айирбошлаб бериши шарт.

14.21. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайдан эътиборан Жамиятни тугатиш тамомланган, Жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

14.22. Рўйхатдан ўтказувчи орган Жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат Жамиятнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

15. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

15.1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият кузатув кенгаши томонидан Жамият Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

15.2. Жамият уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

15.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

15.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

15.5. Жамиятнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Давлат Хизматлари Маркази томонидан 2022 йил 05 январдаги № 4656808-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган Жамият устави ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Бошқарув раиси в.б.



Б. Нарматов